



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

2008 йил, 8 июль, СЕШАНБА

XXI АСР САДОСИ
БАРЧА МАНБАЛАРДАН ОЛИНГАН СЎНГИ ХАБАРЛАР

Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган

ШАҲАР ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ КУНДАЛИК ГАЗЕТАСИ

№ 130 (11.191)

Баҳоси эркин нарҳда

17 МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛ

Истиқлол — бизнинг борлигимиз, шону шуҳратимиз, эркин ва фаровон келажакимиз гаровидир.

ЭНГ АЗИЗ ВА УЛУҒ БАЙРАМ— МУСТАҚИЛЛИГИМИЗНИНГ 17 ЙИЛЛИГИНИ НИШОНЛАЙДИГАН ҚУТЛУҒ КҮН ТОВАРА ЯҚИНЛАШМОҚДА. ДИЛИ ЭЗГУ НИЯТГА ТҮЛА ҲАМЖОУРЛАРИМИЗ ИСТИҚЛОЛ ШОДИЁНАСINI КЎТАРИНКИ КАЙФИЯТДА ЎЗИГА ХОС МЕҲНАТ ЮТУҚЛАРИ БИЛАН КУТИБ ОЛИШГА ИНТИЛИШМОҚДА.

Кичик ва хусусий бизнес

МУНОСИБ ТУҶФА БЎЛАДИ

Ички бозорни ўзининг импорт ўрнини босувчи рақобатбардор маҳсулотлари билан таъминлаётган «NISO TEKSTIL» хусусий корхонаси тadbиркорлари ҳам харидорларга ажойиб байрам туҳфалари ҳозирлаш сай-ҳаракатида сиқидилан ишланмоқда.

— Корхонамизда замонавий технологиялар асосида маҳаллий хом ашёдан фойдаланиб тиклаётган болалар кийим-кечаклари чет элдан келтирил-



Ишлаб чиқаришни кенгайтириб маҳсулот турларини кўпайтираётган тadbиркорлар хорижий ҳамкорлар билан ҳам мустақкам алоқа ўрнатиб, ўз маҳсулотларини экспорт қилишни режалашмоқда. Улар эришаётган барча ютуқлари Истиқлол шарофатидан

Шарифа ИЛЁСОВА
СУРАТДА: корхона илгорлари.
Козим Улмасов олган сурат

Мустақиллик — тақдиримда

Тоир ДАДАХОНОВ, «Ўзбекистон Қаҳрамони», «12-трест» акциядорлик жамиятига қарашли 50-қурилиш бошқармаси бригада сардори:

Мустақилликни бежизга буюк неъмат, дея фахрлиниб сўзламаймиз. Чунки улуг Истиқлолимизнинг энг тотли меваларидан мана 17 йилдики хар бир ватандошимиз баҳраманд бўлиб келмоқда. Шунинг барбарада элим, юртим деб ёниб яшаётган, меҳнат қилаётган хар бир инсон Мустақилликини мустақкамлашга, мамлакат равнақига, эл-юрт фаровонлигига муносиб ҳисса қўшишга интилкимда.

Мен оддий бир бунёдкор сифатида шуни айта оламани, хар йили Энг азиз, энг улуг шодиёна — Мустақиллик байрами яқинлашиб келар экан, кунглим фаҳрга тўлади. Негаки Истиқлол чиндан ҳам бизнинг фаҳримиз, бойлигимиз, қудратимиз. Буни ўтган йилларда амалга оширилган асрларга татигулик ишларимиз яқол исботлаб турибди.

Мен оддий бир бунёдкор сифатида шуни айта оламани, хар йили Энг азиз, энг улуг шодиёна — Мустақиллик байрами яқинлашиб келар экан, кунглим фаҳрга тўлади. Негаки Истиқлол чиндан ҳам бизнинг фаҳримиз, бойлигимиз, қудратимиз. Буни ўтган йилларда амалга оширилган асрларга татигулик ишларимиз яқол исботлаб турибди.

Бугунги диёримиз чиройига тан бермай бўладими? Унинг юксак салобатидан, гузаллигидан кунглим тоғдек кўтарилади. Мамлакатимиз юраги саналган пойтахтимиз Тошкентнинг таърифига сўз йўқ. Бунга нафақат юртдошларимиз, балки хорижликлар ҳам хавас қилмоқда, тан бермоқда. Истиқлол шарофатини ўзида муҷассам этган маҳобатли бинолар, муҳташам иншоотлар, равон ва текис йўللари жаҳон андозалари даражасидаги мустақкам кўприклардан юрт ободлиги, эл фаровонлиги ёрқин акс этмоқда. Мана шундай иншоотларни санаб адо этолмаймиз. Шарқона бозорларимиз, Ўзбекистон давлат консерваторияси, Ўзбек Миллий академик драма театри, Сенат биноси, «Хотир» майдони, «Шаҳидлар хотираси» мажмуаси, кичик Халқ йўли ва унда қад ростилаган кўприклар, олий ўқув даргоҳларию касб-хунар коллежлари, лицей ва мактаблар — уларнинг хар бири ўзига хос, миллий меъморчилик анъанаси ҳамда замонавий архитектура уйғунлиги муҷассам. Маҳоратли

меъмор, изланувчан лойиҳачи ва толмас қўли бунёдкорларнинг ғайрат-шижоати намунаси бўлган бундай иншоотлар, албатта, мустақиллик неъматларидир.

Мен бунёдкор сифатида ана шундай улкан қурилишларга муносиб ҳисса қўшганимдан, бугунги кунда ҳам касбимдан гурурланиб меҳнат қилаётганимдан беҳад бахтиёрман. Ахир нима учун фахрланмай—чунки ўзим ва ҳамкасбларим меҳнатимиз қадрини, юксак эъзозини мустақиллик шарофати ила топдик. Болагимдан курувчи бўлишни юрагимга тугдим. Кейинчалик оравим мустақкам мақсадга айланган ва шу касбимнинг қўлидан тутдим. Бунга асло афсусланмайман, фақат фахрланаман. Чунки ҳаётимда, меҳнат фаолиятимда мана шу талланган касбим орқасидан катта ютуқларга эришдим. Айниқса, Мустақиллик менинг тақдиримга окуди. Юксак шараф—Ўзбекистон Қаҳрамони» унвони мени юксак кўтарган бўлса, 2003 йилда «Меҳнат шуҳрати» ордени билан тақдирланганим қалбимга олам-олам қувонч олиб кирди.

Мустақиллигимизнинг 16 йиллиги арафасидаги ана бир қувончли воқеа касбимга бўлган эъзоз ва меҳр-муҳаббатимни, Ватанимга садоқатимни жўш урдиргани айнан ҳақиқат. Ҳозир ҳам ўша лаҳзаларни хотирласам кўзларимдан севинч ёшлари окуди. Юксак шараф—Ўзбекистон Қаҳрамони» унвонига сазовор бўлганимни Урганчдаги қурилиш объектида эшитдим. Табриклар, қувончлар... Буни ҳеч қачон унутиб бўлмайди. Бунинг учун, албатта аввало Президентимизга, эл-юртимизга, ҳамкасбларимга катта раҳматлар айтман. Менга шон берган, шараф берган, бахтга мушарраф этган Мустақиллигимизга таъзим қиламан, уни мустақкамлаш йўлида токи билагимда кучим бор экан, меҳнатларимни аямай сарфлайман. Қуриш, яратиш ва яшатиш йўлида асло чарчамайман. Бу борада менга аҳил жамоам, 30 нафар бунёдкордан иборат бригадамиз азаматлари маддадор бўлади.

Турсунхўжа ЭРГАШЕВ,
«Гузарбоши» маҳалласи оқсоқоли,
«Эл-юрт хурмати» ордени нишондори:

— Кейинги йилларда ўзини ўзи бошқариш тизими бўлган маҳаллаларга катта эътибор қаратилди. Унинг нуфузи ортиб давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни салмоқли даражага етди. Истиқлолимизнинг 17 йиллиги тобора яқинлашгани сари амалга оширилган ишлар қўламага назар ташлаш кишида фаҳр-ифтихор туйғулари ни уйғотади. Кенг ва равон йўллар, муҳташам кўприклар, чиройли боғу роғлар, шинам ва ораста маҳалла гузарлари — барчаси кўзини қувнатади.

Биргина бизнинг «Гузарбоши» маҳалламиз тимсолида ҳам мустақилликнинг намунаси ҳар бир фуқаронинг кўнглидан ўтаётган гурур ҳислари билан изохлаш мумкин. Маҳалламиз аҳлининг тинч-тотув, баҳамжихат яшашлари, меҳнат қилишлари, хунар эгаллаб, спорт билан шуғулланишлари учун барча зарур шарт-шароитлар яратилган. Болажонларимиз жаҳон андозалари даражасидаги спорт мажмуаларида турли тўғаракларда шуғулланиб саломатликларини тиклаб, бўш вақтларини мазмунли ўтказмоқдалар.

Халқимизда тўйга тўёна билан бориш азалдан одат. Биз ҳам қутлуғ байрамни муносиб кутиб олиш учун худудимизда «Болалар оромгоҳи»ни бунёд этмоқдамиз. Богимизда эртанимиз эгаларининг яхши дам олишлари, гул ва дарахтларини парвариш қилиб табиатга меҳр уйғониши, бир-бирлари билан ўзаро дўстлашиб фикр алмашишлари учун барча шароитлар бўлади. Яна пиру давадат, нуруний отахонларимиз учун дам оладиган чиройли марказ барпо қилмоқчимиз.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ АХБОРОТ ТИЗИМЛАРИ ВА ТЕЛЕКОМУНИКАЦИЯЛАР МАСАЛАЛАРИ КОМПЛЕКСИНИНГ 2008 ЙИЛ БИРИНЧИ ЯРИМ ЙИЛЛИГИДА ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ РИВОЖЛАНИШ ЯҚУНЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН МАЖЛИСИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Мажлисида Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримовнинг 2007 йилда мамлакатни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш юқунлари ва 2008 йилда ислохотларни чуқурлаштиришнинг энг муҳим устувор вазифаларига бағишланган Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 8 февралдаги йиғилишидаги маърузасида ва ўшбу йиғилиш баёни билан берилган топшириқлардан келиб чиқиб Ахборот тизимлари ва телекоммуникациялар комплекси соҳаларининг 2008 йилнинг биринчи ярим йиллиги юқунлари, ахборот-коммуникация технологияларининг вазирлик ва идоралар ҳамда маҳаллий давлат ҳокимияти органларида татбиқ этилишининг ҳолати, давлат ва хўжалик бошқаруви органларида архив ишини ташкил қилиш ва иш юритишнинг ахлоли тўғрисидаги масалалар кўриб чиқилди.

ЯРИМ ЙИЛ ЯҚУНЛАРИГА БАҒИШЛАНДИ

Хисобот даврида соҳа корхоналари томонидан ишлаб чиқариш ҳажмларининг барқарор ўсиш суръатларини таъминлаш, корхоналарда модернизациялаш жараёнини давом эттириш, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш ва сифатини яхшилаш орқали экспорт имкониятларини ошириш, ижтимоий-иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш, корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш, хорижий инвестицияларни жалб этиш, хизматлар турларини кўпайтириш ва ривожлантириш, мейёрлий-ҳуқуқий базани тақомиллаштириш, молиявий ва ижро интизомини янада мустақкамлаш борасида амалий ишлар олиб борилди.

2008 йилнинг ўтган даврида Комплекс бўйича жами 641,41 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилди ва хизматлар кўрсатилди. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан ўсиш суръати 157,18 фоизни ташкил этди. Экспорт прогнози кўрсаткичлари 136,8 фоиз бақарилди. Инвестиция дастурига киритилган лойиҳалар бўйича 117,8 миллиард сўмлик /90,6 миллион АҚШ доллари/ тўғрисида тўғри жалб қилинган чет эл сармоялари ўлаштирилди, бу борадаги йиллик режа 60 фоизга урдланди.

Йиғилишда вазирлик ва идоралар, маҳаллий давлат ҳокимияти органларида ахборот-коммуникация технологияларини янада кенг қамраб олиш, Интернет тармоғида ахборот ресурсларини кўпайтириш, ахборот хавфсизлигини таъминлаш, давлат интерактив хизматлари сонини ва сифатини ошириш ҳамда қишлоқ жойларида замонавий ахборот-коммуникация технологиялари хизматларини ривожлантириш масалаларига алоҳида аҳамият бериш лозимлиги қайд этиб ўтилди.

Республика давлат ва хўжалик бошқаруви органларида архив иши ва иш юритишнинг ахлоли таҳлил этилиши ҳамда бу борада қатор вазирлик, идора ва компанияларнинг фаолияти танқидий баҳолашиб, мавзуд камчиликларни бартафари этиш юзасидан аниқ топшириқлар берилди.

Шу билан бирга, Комплекс таркибидagi идораларда «Ёшлар йили» ва бошқа устувор Давлат дастурларининг бақарилишини таъминлаш, ижро интизомини қўлайтириш, рақбарлар ва мутахассисларнинг шахсий масъулиятини ошириш, ходимларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш юзасидан тегишли топшириқлар берилди ва қарорлар қабул қилинди.

«Асака туманидаги иқтисодийёт касб-хунар коллежидa ўтказилган меҳнат ярмаркасида 56 та корхона, ташкилот ва фермер хўжаликлари бўш иш жойларини тақлиф этди. Шу кунни ярмаркада қатнашган 200 нафарга яқин киши доимий иш ўринларига эга бўлди.

«257 нафар ёшлар меҳнат қилаётган «Бахт-текстиль» Ўзбекистон—Россия—Лихтенштейн давлатлари ҳамкорлигида ташкил этилган қўшма корхонада жорий йилнинг шу давригача 619,3 минг АҚШ доллари ҳажмидаги маҳсулот—қалава ип экспорт қилинди. Иккинчи навбат дастгоҳлари ўрнатилиб ишга туширилгач, экспорт ҳажми янада ошади, янги иш ўринлари ташкил этилади.

«Жорий йилдан эътиборан Кўнғирот сода заводи тўла қувват билан ишлаш бошлади. Қарийб 1250 киши меҳнат қилаётган жамоада ҳозирда кунига 300 тонна кальцийлаштирилган сода ишлаб чиқарилмоқда. Яқин кунлар ичидa корхона ўз маҳсулотларини мамлакатимизнинг барча ҳудудларига етказишни режалаштирган.

«Урганчлик тadbиркор Фарҳод Ибодуллаев вилоятда биринчилардан бўлиб, матбаачилик ишини йўлга қўйди. Банкдан олган 30 миллион сўмлик кредит ҳисобига корхона энг замонавий асбоб-ускуналар, дастгоҳлар билан жиҳозланди. Эндиликда бу ерда 15 номдаги газета, турли иш қоғозлари, буклетлар, тақлифномалар ва бошқа турдаги маҳсулотлар чоп этиляпти. Туманларда унинг буюртмалар қабул қилиш пунктлари ҳам очилди.

«Японияда бошланган «Катта саккизлик» саммитининг иккинчи кунидa қурраи заминда об-ҳавонинг глобал исишига қарши кураш ва иқтисодийётга доир масалалар кўриб чиқилади.

«Кейинги пайтларда кўплаб портлашлар содир этилганлиги сабабли Абхазия маъмури Грузия билан хар қандай муносабатларнинг тўхтатилиши ҳақида эълон қилишди.

«Сербия Халқ скупщинаси М. Цветкович бошчилигидаги янги ҳукумат таркибини тасдиқлади.

«Кеча Подмосковьедаги Жуковски аэродромида Россиянинг энг янги СУ-35 русумидаги қирувчи самолётининг синов парвозлари ўтказилди. Ушбу замонавий ҳаво кемаси мутахассислар томонидан «Учар компьютер» дея тавсифланмоқда.

«Олимпиададан олдин ва ўйинларни ўтказиш чоғида экологик ҳолатни яхшилаш мақсадида Хитой маъмурилари Пекин шаҳри атрофида жойлашган йирик саноат марказларидаги корхоналарнинг фаолиятини вақтинчалик тўхтатмоқдалар.

«Кеча Кобул шаҳридаги Ҳиндистон элчихонаси дарвозасига террорчи-камикадзенинг миналаштирилган автомобилда кириб портлаш содир этиши оқибатида 40 киши ҳаётдан кўз юмди, юзлаб кишилар турли даражадаги тан жароҳатларини олишди.

«Италиялик олимплар дунёда биринчи марта Марс сайёрасининг жүғрофий харитасини яратдилар, деб хабар беради РАТА-ТАСС. Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, мазкур харитада Марснинг худуди, тузилиши ҳақида талай маълумотлар акс этган. Италия фазовий агентлиги президенти Жованни Биньянининг сўзларига кўра, Марснинг харитасини тузишда сунъий йўлдош орқали йиғилган маълумотлардан фойдаланилган.

«Нигерияда автобус ҳалокати содир бўлди. Маҳаллий кутқарув хизматининг маълум қилишича, бахтсиз ҳодиса оқибатида йигирмага яқин киши ҳаётдан кўз юмган. Фалокатга икки автобуснинг тўқнашуви сабаб бўлган.

«Машур Sony компаниясининг Токиодаги қароргоҳида чиққан ёнгин оқибатида бир киши жабрланди.

«Японияда космосда—Ер сатҳидан 100 километр балангликда никоҳ тўйини ўтказувчи ёшларни рўйхатга олиш жараёни бошланди. Маълумотларга кўра, коинотдаги унутилмас тўй оқдими ёшларга икки ярим миллион долларга тушади. Коинотдаги дастлабки тўйларни 2011 йилда ўтказиш режалаштирилмоқда.

Қасқа сатрларда

● **БУГУН** Ҳамза туманида туман маданият ва спорт ишлари бўлими ташаббуси билан «Камалак» халқ рақс дастаси, «Сўғдиёна» ўзбек миллий рақс дастаси ва «Қалдирғоч» болалар рақс дастаси жамоаларининг хисобот концерти уюштирилди.

● **БУГУН** Миробод туманидаги Фафур Фулом номли маданият уйида Ёшлар йилига бағишлаб, «Ёшлиқдан хунар ўрган» мавзуда уюштирилган тadbирда Ба-

ротхўжа маҳалласи ёшлари иштирок этишди.

● **ТОШКЕНТ** тўқима-чилик ва енгил саноат институтида ёш олимплар ташаббуси билан пилла сифатини янада яхшилашга қаратилган янги технология яратилди.

● **СЕРГЕЛИ** туман ҳокимлигида туман фаоллари, тadbиркорлар иштирокида уюштирилган семинар тadbиркорлик субъектларини қўллаб-қувватлашнинг аҳамиятига бағишланди.

● **АЙНИ** кунларда Ўзбекистон Республикаси ИИВ Йўл ҳаракати мафисизлиги бошқармаси ҳамда Республика Мудофага кўмаклашувчи «Ватанпарвар» ташкилоти ҳамкорлигида шахримизда «Диққат, пиёда» лойиҳаси доирасида тadbирлар амалга оширилмоқда.

● **МИЛЛИЙ** рақс ва хореография олий мактабида миллий рақсини ривожлантиришнинг аҳамиятига бағишлаб ўтказилган семинарда шахримиздаги рақс дасталари раҳбарлари иштирок этишди.

(Тошкент шаҳар ҳокимлигининг Ахборот хизмати ва ўз мухбирларимиз хабарларидан).

ЛОНДОНДА «АМАНТАЙТАУ ГОЛДФИЛДС» СТИПЕНДИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ТАҚДИМОТИ

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЛОНДОНДАГИ ЭЛЧИХОНАСИДА ШАҲЗОДА МАЙКЛ КЕНТСКИЙ ШАФЕЛИГИДАГИ БРИТАНИЯНИНГ «ОКСУС ГОЛД» КОМПАНИЯСИ ТАЪСИС ЭТГАН «АМАНТАЙТАУ ГОЛДФИЛДС» СТИПЕНДИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ТАҚДИМОТИ БЎЛИБ ЎТДИ.

Тadbирда шаҳзода М.Кентский, Исландия президенти О.Гримссон, «Оксус Голд» компанияси бош ижрочи директори Р.Вилкинс, Лондондаги Вестминстер университети ректори Ж.Петтс, Тошкент Халқаро Вестминстер университети раҳбарияти, Буюк Британиянинг бир қатор вазирлик ва идоралари раҳмийлари, ушбу мамлакат парламенти ҳамда Европарламент аъзолари, эксперт ва ишбилармон доиралар вакиллари, Лондонда аккредитациядан ўтган дипломатия миссиялари раҳбарлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Шаҳзода Майкл Кентский тadbирини очи-лиш маросимида маъруза қилиб, икки мамлакат алоқаларини мустақкамлашга хизмат қилувчи стипендия жамғармасига хомийлик қилиш унга катта мамнуният бахш этишини қайд этди. Шаҳзода Тошкент Халқаро Вестминстер университетида Навоий вилоятидан келган талабаларнинг таҳсил олишига кўмаклашиш бўйича, шунингдек Зарафшон шаҳрида инглиз тили марказини ташкил этишга қаратилган жамғарма лойиҳаларига юқори баҳо берди.

(Давоми 2-бетда).

Семинарлар

МАРКАЗ ФАОЛИЯТИГА БАҒИШЛАНДИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ҚУРИЛИШИ АКАДЕМИЯСИ ҚОШИДАГИ ОЛИЙ БИЗНЕС МАКТАБНИНГ КОРПОРАТИВ БОШҚАРУВ МАРКАЗИДА МАЗКУР МАРКАЗ ФАОЛИЯТИ, ЎҚУВ ДАСТУРЛАРИ ВА КЎРСАТАДИГАН ХИЗМАТ ТУРЛАРИГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМАЛИ СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Унда турли вазирлик ва идоралар вакиллари, етакчи олий ўқув юрталарининг ўқитувчилари иштирок этди. Олий бизнес мактаби директори М.Алиев, Корпоратив бошқарув маркази раҳбари М.Раҳманов ва бошқалар Президентимиз Ислам Каримов раҳнамолигида иқтисодиётимизнинг барқарор суъратлар билан ўсишига, макроиқтисодий мутаносибликни таъминлашга, ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш ва модернизация қилишга, техник ва технологик янгилашга алоҳида эътибор қаратилаётганини таъкидлади.

тон иқтисодиётида хусусий секторнинг тулуши ва аҳамиятини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисидаги Фармони бу борада муҳим дастуриламал бўлмоқда. Хусусий секторнинг жадал ривожланиши рағбатлантириш, мамлакат иқтисодиётида роли ва аҳамиятини тубдан ошириш, хусусийлаштирилган корхоналарнинг корпоратив бошқарув тизими такомиллаштириш борасида кенг қўллади ишлар амалга оширилмоқда.

Фармонга мувофиқ ташкил этилган Олий бизнес мактаби Корпоратив бошқарув марказида ўтган вақт мобайнида юртимиз акциядорлик жамиятларининг раҳбар ходимлари, корпоратив бошқарув идоралари

ри аъзолари ва етакчи мутахассислари, турли корхона ва ташкилотлар, ҳўжалик уюшмалари, давлат иқтисодий бошқарув идораларининг салкам тўрт ярим минг нафарга яқин мутахассиси ўз билим ва малакасини оширди. Бунда корпоратив бошқарув, молиявий ва ишлаб чиқариш таҳлили, корхона ва унинг ижро органлари фаолиятини назорат қилиш усулларига ўқитиш, раҳбар ходимларни менежмент ва маркетингнинг замонавий усуллари бўйича тайёрлаш ва қайта тайёрлашга катта аҳамият қаратилди.

Семинарда Корпоратив бошқарув маркази ўқув дастурларининг мазмун-моҳияти ва аҳамиятига доир маърузалар тингланди.

“ЎЗБЕКИСТОН МАДАНИЯТИ ВА САҢАТТИ ФОРУМИ” ЖАМҒАРМАСИ МИЛЛИЙ САҢАТ МАРКАЗИДА “МУҚАДДАС ЗАМИН” ДЕБ НОМЛАНГАН КЎРГАЗМА ОЧДИ. УШБУ КЎРГАЗМАДА ЁШ КУЛОЛ АЛИШЕР РАҲИМОВ ИЖОДИГА МАНСУБ БАДИИЙ БУЮМЛАР НАМОЙИШ ЭТИЛМОҚДА.

2008 – Ёшлар йили

МУҚАДДАС ЗАМИНГА БАҒИШЛАНГАН КЎРГАЗМА

Ёш авлодни ҳар томонлама соғлом ва баркамол инсонлар этиб тарбиялаш, ёшларнинг мукамил таълим-тарбия олиши, касб-хўнар эгаллаш, ўз қизиқиши ва иқтидорини тўла намоян этиши учун яқиндан қўмақлашишга юртимизда алоҳида эътибор қаратишмоқда. “Ёшлар йили” Давлат дастурига мувофиқ бу борадаги зағу ишлар қўламини тобора кенгайтириб бораётди.

“Ўзбекистон маданияти ва саҳнати форуми” жамғармаси ёш истеъдод ағаларини кашф этиш, уларнинг қобилиятини юзага чиқиши учун яқиндан қўмақлашиш борасида қўлбай хайрли ишларни амалга ошириб келмоқда. Жамғарма ташаббуси билан ўтказилаётган санъат фестиваллари, иқодий лойиҳалар, кўрик-танловлар, концертлар, бадий кўргазмалар бунинг ёрқин далиллари.

Мазкур кўргазмада иқодий асарлари намойиш этилаётган тошкентлик машҳур Муҳиддин Раҳимов сўлоласининг наврогон вақили А.Раҳимов Ўзбекистон давлат саҳнати институти ва Ўзбекистон Бадий академияси Камолддин Беход номидagi миллий расомлик ва дизайн институтида таълим олган. А.Раҳимов ота-боболарининг бой иқодий ме-

росига таянган ҳолда Каттакўрғон, Тошкент қўлолчилик мактабларининг ноёб аъёнларини қайта тиклашга муваффақ бўлган ижодкорлардан. У яратган миллий қўлолчилик буюмлари Франция, Япония, Германия каби давлатлардаги халқаро кўргазмаларда намойиш этилган. Қўлолчилик йўналишидаги аъёнларни қайта тиклаш, асраб-авайлаш, уни кенг тарғиб ва ташвиқ этиш мақсадида “Ўзбекистон маданияти ва саҳнати форуми” жамғармаси кўмағида 2005 йилда пойтахтимизда илк марта Муҳиддин Раҳимов сўлоласининг “Уста-шоғирд” мактаби очилди. Мактабда А.Раҳимов бўлуши хўнармандларга қўлолчилик сирасорларини ўргатиб келмоқда.

— Мамлакатимизда саҳнати бачча турлари каби қўлолчилик ривожига ҳам алоҳида эътибор қаратилаётгани истиклолимизнинг шарофатидандир, — дейди А.Раҳимов, — Шу боис мен муқаддас заминимиз саховати, Ватанимиз файзу таровати, меҳнатқаш халқимизнинг эркин ва озода ҳаётини қўлолчилик буюмлари тимсолида ифодалашга ҳаракат қиламан.

Назозат УСМОНОВА, ЎзА мухбири

БУГУНГИ КУНДА ЁШЛАРИМИЗ МАКТАБНИ БИТИРИБ КАСБ-ХўНАР КОЛЛЕЖЛАРИДА Ўқишни давом эттирмақдалар. Албатта, улар коллежда ўзлари хоҳлаган касб-хўнарни эгаллаб, жамиятда ўз ўринларини топадилар. Шаҳримиздаги мавжуд касб-хўнар коллежлари орасида тошкент туризм касб-хўнар коллежининг ҳам ўз муносиб ўрни бор, десак муволага бўлмайди.



Таълим масканларида ХўНАРЛИНИНГ ҚўЛИ ГУЛ

Таълим масканида туристик хизматлари ташкил этиш, меҳмонхона хизматларини ташкил этиш (администратор, бронь қилиш бўйича агент, номерлар ва супервайзери, консьерж), ресторани бизнесини ташкил этиш (метрдотель, бармен, официант), умумий овқатлашни ташкил этиш (миллий ва хорижий таомлар ошлази, қандолатчи, новвой), туризм, меҳмонхона ва ресторани бизнесини ташкил этиш, бухгалтерия хисоби, чет эл таомларини тайёрловчи ошлази сингари мутахассислар тайёрланади.

Ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётларини юқори савияда ташкил этиш мақсадида туристик ташкилотлар ва меҳмонхоналар билан икки томонлама шартномалар тузилган. Хусусан, ўқувчиларнинг ишлаб чиқариш амалиётлари «Интерконтиненталь», «Шодлик Палас», «Ўзбекистон», «Дедеман», «Тошкент Палас», Марказий, «Радиссон САС», «Гранд Мир» ва бошқа туристик фирмаларда ташкил қилинмоқда.

Шу билан биргаликда иш берувчи ташкилот вакиллари билан биргаликда ўқувчи-ёшларни касбга йўналтириш ва касбий маҳоратларини ривожлантириш бўйича бир қанча учрашувлар ва тажриба алмашув ишлари олиб боришмоқда. Бунга мисол қилиб «Интерконтиненталь», «Шодлик Палас» меҳмонхоналарида, «Ясмينا тур», «Огеҳса Izavee» туристик ташкилотларида олиб борилган тренинг машғулотларини айтайтиш мумкин. Шунинг ҳам таъкидлаш жоизки, коллеж раҳбарлари ва педагогик кадрлар то-

монидан чоп этирилган «Туризм фаолиятини ташкил этиш», «Меҳмонхоналарда хизмат кўрсатишни ташкиллаштириш», «Ресторанларда хизмат кўрсатишни ташкиллаштириш», «Ичимликлар сервисини», «Умумий овқатлашни технологик асос-бўйсуналари», «Ресторанда санитария ва гигиена», «Чет тилида касбий мулоқот», «Туризм ва меҳмонхона сервисини», «Касб этикаси ва психологияси», «Миллий ва хорижий таомларни тайёрлаш технологияси» ва бошқа дарслик ҳамда қўлланмалардан ўқув жараёнида кенг фойдаланилади. Коллежда илмий ва ўқув услубий йўналишида иқодий ишлар амалга оширилмоқда. Аини кунда 7 нафар ўқувчунини чет элда, яъни Бельгия, Италия, Германия ва Япония давлатларида ўз малакаларини ошириб, илмий изланишлар олиб бормоқдалар. 3 нафар ўқувчунини эса Япониянинг энг илғор Япония Халқаро туризмни ривожлантириш институтида малакаларини ошириб қайтишган.

— Ёшларни ҳар томонлама билимли, хўнарли, она юртга садоқатли қомил инсон қилиб тарбиялаш мақсадида коллежда маънавий-маърифий ишларга алоҳида эътибор қаратишган, — дейди мазкур коллеж директорининг маънавий-маърифий ишлар бўйича биринчи ўринбосари Баҳодир Валиев. — Аиникка, ёшлар орасида жиноятчилик ҳолатларининг олдини олиш юзасидан Тошкент Давлат юридик институтини, Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Юнусобод туман прокуратураси, туман ИИБ, «Турон»

театр-студияси, «Хўснобод» маҳалласи фаоллари билан ҳамкорликда ўтказилаётган турли хил маданий-маънавий тадбирлар иқодий самаралар бермоқда. Ўқувчи-ёшлар онгига миллий ёлларни сингдириш, уларнинг маънавий оламини бойитиш, тафаккурларини кенгайтириш, буш вақтларини унумли ва мазмунли ўтказишга катта аҳамият бермоқдими. Ўз ўрнида ўқувчиларимиз турли нуфузли танлов ва спорт мусобақаларида иштирок этиб, голиблар сифидан ўрин олишмоқда. Жумладан, «Ўз миллиятини унутма!» танловида туманда биринчиликни олган бўлсалар, «Барҳаёт аъёнлари» фольклор даставлари бўйича ўтказилган танловда шаҳар мўқсидида номинация голиби бўлдилар. Шунингдек, бу йил Нукусда ўтказилган «Баркамол авлод» спорт ўйинларида коллеж ўқувчиси Дарья Аҳмедова 60,200 метрга югуриш бўйича ва эстафета мусобақасида биринчи ўринни эгаллади. Тошкент шаҳар маорасига бир йўла 3 та олтин медални ҳада этди. Албатта, бундай иқтидорли ёшлар коллежнинг фахри хисобланишади. Уларнинг сафи кенгайтиб боришини истардим. Мақсадимиз, ўқувчи-ёшларимиз пухта билим ва хўнар эгаллаб, ўзлари танлаган ва орзу қилган соҳанинг етуқ мутахассиси бўлиб етишишсин. Келажакда бу ерда олган билимларини амалда намоян этиб, катта ютуқларга эришсин.

Дилором ИКРОМОВА СУРАТДА: коллеж ўқувчилари амалиёт дарсида.

ЛОНДОНДА «АМАНТАЙТАУ ГОЛДФИЛДС» СТИПЕНДИЯ ЖАМҒАРМАСИНИНГ ТАҚДИМОТИ

(Давоми.Боши 1-бетда).

— Ўзбекистон ҳукумати ёшлар таълимига жиддий муносабатда бўлгани ҳолда ушбу мақсадларга мамлакат ялпи ички маҳсулотининг салмоқли қисмини йўналтирмоқда, — дейди М.Кентский. — Ўзбекистон аҳоли саводхонлиги бўйича жаҳондаги юқори кўрсаткичлардан бирини эгаллайди. Ушбу хайрли ишга ўзининг камтарин ҳиссамини қўша олганидан мамнунман.

Шаҳзода Тошкент Халқаро Вестминстер университетини ахамиятига тўхталиб, ушбу олий ўқув юртида таълим сифатини юксак даражада эканини таъкидлади ва «университет бутун Марказий Осиёдаги ноёб ўқув муассасаси эканига эътибор қаратди.

М.Кентский 2005 йилда Ўзбекистонга амалга оширган ташифини, «Оксус» тоғ-кон санаети корхонасига, шунингдек Мурунтоғдаги олтин қазиб олувчи қонга сафар таассуротларини илқикли билан ёлди олди.

Шаҳзода айникка, ўзининг қўша ва бетакорр Самарқанд шаҳрига қилган зиёрати ҳақида алоҳида завқ-шавқ билан сўзлади.

— Бу қадимий шаҳар Буюк Ипак йўлининг афсонавий маконларидаги улғовур кентлардан биридир, — дейди М.Кентский. — Ўзбекистон эса мард ва мағрур инсонлар, қадим цивилизация ва бой маданий мерос ворислари юртидир. Халқларимиз ўртасидаги дипломатия алоқалари бир неча аср муқаддам яъни 1402 йилда Амир Темурнинг Кирил Генрих IV билан ёзишмалар олиб борган даврга тўғри келиши диққатга сазовордир.

«Оксус Голд» компанияси бош ижрочи директори Р.Вилкинс ўз маърузасида 2008 йилни Ўзбекистонда «Ёшлар йили» деб эълон қилинганига эътибор қаратди.

— «Оксус Голд» ушбу дастур доирасида ўз хиссасини қўшиши мумкин эканидан фахрланамиз, — дейди британиялик ишбилармон. — Биз ташкил этган жамғарма мамлакатларимиз ўртасидаги иқтисодий ва маданий аламушларда муҳим рол ўйнашига ишонамиз.

Р.Вилкинс «Оксус Голд» юртимиздаги бир қатор иқтисодий дастурлар ва ташаббусларга ўз маблағларини ажратганини таъкидлаб, унинг компанияси Ўзбекистондаги намунали хорижий сармоядорлардан бири бўлишга интилаётганини қайд этди.

Тақдимот чоғида шунингдек, иштирокчилар эътиборига Ўзбекистондаги иқтисодий-сиёсий ва иқтисодий иқлолотларнинг бориши, «Ёшлар йили» давлат дастури, таълим тизимидаги ўзгаришлар ҳақида батафсил маълумотлар тақдим этилди.

«Жаҳон» АА, Лондон.

Иқтисодиёт

Янги дастоҳлар ўрнатилади

БУГУНГИ ХАРИДОР ДИД ВА ТАЛАБИНИ ҚОНДИРИШДА РАҚОБАТБАРДОШ ВА ЮҚОРИ СИФАТЛИ МАҚСУЛОТЛАР МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА. АЛБАТТА, УЛАРНИ ТАЙЁРЛАШ УЧУН ЗАМОНАВИЙ ДАСТОҶ ВА УСКУНАЛАР ҲАМ ЗАРУР БЎЛАДИ.

Ишлаб чиқаришни ривожлантириш, бозорда ўз ўринини топиш, кўпроқ харидорларни жалб этиш йўлинда изланаётган тадбиркорлар бунини жуда аҳми қилишади. Шу боис ҳам улар цехларни замонавий хорижий дастоҳ ва линиялар билан жиҳозлашга, уларнинг қувватидан унумли фойдалана оладиган кадрларни танлашга интилишмоқда. Бунинг натижасида тайёрланган маҳсулотларнинг рақобатбардошлиги ортиб бозори эса қачқон бўлмоқда.

Жорий йилда Президент соврини учун ўтказилган «Ташаббус — 2008» кўрик-танлови Мировбод туман босқичида голибликни қўлга киритган «SABATELLI UNIVERSAL SERVICE» хусусий корхонаси раҳбари, «Энг яхши тадбиркор» Владислав Сабателли ҳам импорт ўринини босувчи товарлар ишлаб чиқариш мақсадида Германия ва Япония давлатларининг тикув машиналарини сотиб олиб, цехларга ўрнатишни режаларган.

— Яширишнинг ҳожати йўқ, — дейди Владислав Сабателли, — бугун мамлакатимизда тадбиркорларга омад қилиб боққан, эркин фаолият юртиш учун имкониятлар яратилган. Бундай имкониятлардан фойдаланиб, самарали ишлашни мақсад қилдим. Ҳозирда мен ташкил этган кичик корхонада малакали дизайнер ва чеварлар меҳнат қилишиб, асосан авиллар ва эркаклар учун замонавий кийим-кечаклар тикишмоқда. Ушбу кийим-кечакларнинг янги моделларини яратиш баробарида бюортма асосида ҳам ишлаймиз.

Фаолият бошлаганига эндигина бир йил бўлган мазкур корхонада маҳаллий хом ашёлар—табий чарм, трикотажа ва жинси матоларидан бозорбор товарлар тайёрланмоқда. Ҳозирда янги цех ташкил этиб ишлаб чиқаришни кенгайтиришга интилаётган тадбиркорлар маҳсулотларининг янги ранг-баранг турларини яратишмоқда. Шунингдек, яқинда фирма дўконини очиб ҳам қўзда тутилганки, бу харидор ва бюортмачиларга алоҳида қулайлик бўлади.

МАҚСУЛОТЛАР ТУРИ КўПАЯДИ

СОҶЛАР ЖИЛОСИ, МУСТАҲҚАМЛИГИНИ САҚЛАШДА, АЛБАТТА, ҲАР БИР ОРГАНИЗМИННГ ЎЗИГА ХОС БЎЛГАН ФОЙДАЛИ СОҶ ЮВИШ ВОСИЛАРИНИНГ АЛОҶИДА ЎРНИ БОР.

Шу боис ҳам аша шундай маҳсулот турларини ишлаб чиқарувчилар сифатга эътибор қаратишиб, соҷлар соғломлиги ҳамда чиройини таъминлашга муҳим ҳисса қўшишмоқда. Бугунги кунда шараитдан келиб чиққан ҳолда чиройли қадокланган, нормал, қуруқ ва ёғли соҷларга мўлжалланган аша шундай товарларнинг ўзимизда тайёрлангани, уларнинг хорижининг шундай маҳсулотлар билан рақобатлаша олиши маҳаллий ишлаб чиқарувчиларимизнинг изланишлари самарасидир.

Пойтахтимиздаги «Уч лочин» масъулияти чекланган жамиятида ҳам қарийб 7 йилдан буюн соҶ ювиш воситаларининг рақобатбардош турлари ишлаб чиқарилмоқда. «Садаф», «Орзу», «Атум», «Гранд», «Памчам» деб номланган аша шундай воситалар харидор эҳтижини ҳисобга олган ҳолда 150 граммдан бир литргача бўлган идишларда қадоклиб, мамлакатимиз бўйича шартнома асосида қўллаб савдо шохобчалари орқали харидорларга етказилапти. Уларни тайёрлашда корхонада меҳнат қилаётган 30 нафар малакали ходим Эрондан келтирилган дастоҳлар қувватини ишга солмоқда. Шампунлар сифатини таъминлашда Германия ва Туркия хом ашёси қўл келмоқда. Фойдали дори-дармонлар қўшилган ушбу маҳсулотлар хушбўйлиги билан ҳам ажралиб туради. Эндиликда тадбиркорлар соҶ ювиш воситалари турларини йил сайин қўлайтириш баробарида қў ювиш воситалари ва тозалаш ашёлари тайёрлашни ҳам қўзда тутишган.

Шарофат БАХРОМОВА

Фармон ва ижро

ТЕКШИРУВЛАР КИТОБИ — МУШТАРАК МАНФААТЛАР ВОСИТАСИ

ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲОКИМЛИГИДА НАЗОРАТ ҚИЛУВЧИ ОРГАНЛАР ФАОЛИЯТИНИ МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ РЕСПУБЛИКА КЕНГАШИНИНГ ШАҲАР ҲУДУДИЙ КОМИССИЯСИ ЙЎГИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

кузатиш мумкин. Дарвоқе, китобдаги дастлабки ёзувлар таҳлиллари асосида кейинчилик тегишли қонунларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритилиб, янги меъёрлар қабул қилинди ва натижада текширувлар тизимини такомиллаштиришга эришилди.

Бу борада мамлакатимиз раҳбарининг қайд этилган Фармони тадбиркорларга кенг эркинлик берди, ҳаттоки текширувлар китобини тўлдириб бериш тўлаётган назорат органлари вакиллари нисбатан ҳам ўз ҳудудига киритмасликда қатъиятли бўлишга ўргатди. Гап шундаки, дастлаб китоб жорий этилганда, назоратчилар томонидан тегишли меъёр талабларига ҳар доим ҳам амал қилинмасди. Кейинги пайтда бундай ҳатти-ҳаракатлар кузатилаётди. Шундай бўлсада, ҳудудий комиссия ишчи гуруҳи томонидан текширувлар субъектлар бўйича мунтазам ўтказиб келинаётган мониторинг шунини кўрсатадики, назоратга ваколатли бўлган мутахассислар текширувлар китобини тўлдириб қўллаб қўлларга йўл қўймоқда. Чунончи, бундай ҳолатларнинг Тошкент шаҳри бўйича ҳам мавжудлиги Назорат қилувчи органлар Республика Кенгашининг яқинда ўтказилган йиғилишида кўрсатиб ўтилган. Юқори органининг топшириғига асосан Тошкент шаҳар ҳудудий комиссияси томонидан пойтахт назорат органларининг фаолияти ҳар томонлама таҳлил этилди. Айнаш шу масала Бектемир ва Собир Раҳимов туманлари мисолида комиссиянинг навбатдаги йиғилишида муҳокама қилинди.

Бектемир тумани ҳудудий комиссияси маълумотига кўра, назорат органларининг туман бўлимида 53 нафар маъсۇл шахс текширув ўтказиш лицензиясига эга. Қонда мувофиқ ҳар бир назорат органи номида текширувни фақат ваколатга эга вақил ўтказди. Демак, бошқа мутахассислардан фар-

Мониторинг давомида шу ҳам намоеён бўлдики, айрим назорат органлари текширув пайтида ўз ваколати доирасида иш юритмаган, бир томонлама текширувлар билан қиёволанган. Масалан, Меҳнат ва аҳолини иқтисодий ҳўйма қилиш бош бошқармаси тасарруфидаги туман бандликка қўмақлашувчи марказлар текширувларни фақат меҳнат хавфсизлиги таъминлашига қаратади. Бирон-бир текшириётган ҳўжалик субъектида кейинги пайтда амалда ишлаётган ишчи-ҳодимларнинг штат бирлиги мувофиқлиги таҳлил этилган.

Тошкент шаҳри бўйича солиқ идоралари томонидан прокуратура ҳодимлари билан ҳамкорликда ўтказилган текширувлар натижасида 2340 та ноқонуний иш жойлари аниқланган. Асосан хизмат кўрсатиш соҳасида фаолият юритаётган тадбиркорлар меҳнат қонунчилигига зид равишда ишчиларни норасмий ишга қабул қилиб, «қойчака» қўринишда ҳақ тўлаб келган. Бу дегани икки мингдан зиёд киши даромадидан солиқ тўламаган ва бундан, албатта, иш берувчи ҳам катта манфаат қўзлаган. Биргина Собир Раҳимов туманида умумий овқатлашни шохобчалари бўйича саралаб ўтказилган текширувлар натижасида 135 кишига нисбатан меҳнат ҳўқуқлари бузилгани аниқланган. Улар хизмат кўрсатувчи ходим сифатида тибий қўриқдан ўтмасдан ва штат бирлигига расмий киритилмаган ҳолда ишлаб келган. Бундай ҳолатларнинг фақат умумий овқатлашни тизимида тааллуқли эмаслиги сир эмас. Тегишли ҳўжатларсиз ишга қабул қилинган кишилар айрим тадбиркорлар томонидан онгли равишда қонунга хилоф иш тутилаётганига шерик бўлаётганларини унутмаётлар, шекилли. Солиқ ва бошқа мажбурий тўловлардан бўйин товлаш оқибатида кейинчилик касалигида ёки ёши ўтга-

Ильмира ЗАЙНУТДИНОВА

